Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 62 (7202). ● 29 март, 1980 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1980 йилда дағал ва ширадор ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш юзасидан кўшимча чоралар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорда айтилдики, кейинги йилларда колхозлар, совхозлар ва давлатнинг бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида дағал ва ширадор ем-хашак етиштириш ҳажмлари чорвачиликнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмаяпти.

Шу йилларда РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Литва ССР ва Латвия ССР хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш планлари анчагина тўла бажарилмаслигига йўл қўйдилар. Мордва АССР ва Бурятия АССРда, Астрахань, Пенза, Новгород, Псков, Смоленск, Рязань, Орёл, Липецк, Курск, Тернополь, Суми, Хмельницкий областларида ва бошқа баъзи областларда пичан, ширадор ем-хашак ва бошқа ҳил ем-хашак етиштиришни ташкил этиш ишлари айниқса сустлигининг олиб борилмоқда, бу ерларда ем-хашак тайёрлаш ўртача йиллик ҳажмлари тўққизинчи беш йилликка нисбатан шу беш йилликда қисқариб кетди ёки жуда оз ўсди.

Бир қанча жойларда ем-хашак оддий усул билан етиштирилмоқда, ўт-ўлан, силос экинлари ва илдиз меваларининг ўрим-йиғими ўз вақтида ўтказилмаяпти, пичан, сенаж ва силос тайёрлаш технологияси бузилипти, ем-хашак омборлари қурилишига тегишли эътибор берилмаяпти, бунинг натижасида ем-хашак тайёрлаш сифати паст бўлиб қолмоқда. Ем-хашак етиштириладиган табиий жойларни тубдан яхшилаш ишлари, суғориладиган сермаҳсул пичанзор ва яйловлар яратиш ишларининг ҳажми анча камайиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида озуқа базасини ривожлантиришга доир конкрет программа ишлаб чиқилган эди. Аммо бу программада кўзда тутилган тадбирлар жойларда ҳали етарлича ғайрат билан амалга оширилаётгани йўқ. Буларнинг ҳаммаси бир қанча республикалар, ўлкалар ва областларда партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларнинг чорвачиликни шу ернинг ўзида етиштирилган сифатли ем-хашак билан таъминлаш учун масъулияти сусайтириб юборилганлигидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети дағал ва ширадор ем-хашак етишмаслиги жамоат чорвачилиги маҳсулдорлиги паст бўлаётганлигининг асосий сабабларидан бири бўлиб, доннинг анча ортиқча сарф бўлишига сабаб бўлаётганлигига партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг яна бир карра эътиборини жалб қилдилар, бу ҳаволга бундан буён тоқат қилиш мумкин эмас.

Жамоат чорвачилигини ва аҳоли кўлида бўлган чорвани тўла қимматли дағал ва ширадор ем-хашак билан тўла-тўкис таъминлаш ҳамда донни ем сифатида сарфлашни тезда мақсадларида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1980 йилда пичан, силос, сенаж, хашаки илдиз мева ва бошқа ем-хашак етиштириш анча кўпайтирилишига эришишни иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларининг, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси, ўлка, область ва район партия комитетларининг, автоном республикалар Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетларининг, колхозлар ва совхозлар партия ташкилотлари ва раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайдилар.

Қарорда республикалар бўйича колхозлар, совхозлар ва давлатнинг бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида дағал ва ширадор ем-хашак тайёрлаш 1980 йилги ҳажмлари белгиланган.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги. СССР Мелорация ва сув хўжалиги министрлигининг 1980 йилда колхозлар, совхозлар ва давлатнинг бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида тақрорий ем-хашак экинлари экишни анча кенгайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 1980 йилда чорвачилик учун республика дағал ем-хашак эҳтиёт фондлари тузилишини таъминлашлари шарт.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда СССР Госкомсельхозтехникасига 1980 йилда 1 миллион гектар майдондаги лалмикор ерларда (кўчма ирригация ускуналаридан фойдаланган ҳолда) озуқа экинларининг суғоришини таъминлаш вазифаси топширилди. Шу мақсадларда 1980 йилда қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун қўшимча ёмғирлаш машиналари ва зарур ускуналар ажратилади.

Лалмикор ерларни суғориш учун ирригация машина-ускуналари комплектларини харид этишга ҳамда шу машина-ускуналарни монтаж қилиш ишларини бажаришга кетадиган ҳаражатлар колхозларда хусусий воситалар ва СССР давлат банкининг кредитлари ҳисобидан, совхозлар ва бошқа давлат корхоналарида эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ажратилувчи давлат капитал маблағлари ҳисобидан копланиши белгилаб қўйилди.

Бир қанча саноат министрликларига 1980 йилда қишлоқ хўжалигига қўчма суғориш техникаси учун кўшимча жами 1600 километр узунликда алюминий қувурлар тайёрлаш ва етказиб бериш вазифаси топширилди.

1980 йилда СССР Мелорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига:

сув хўжалиги лойиҳа ташкилотларининг кучлари билан суғоришга яроқли ерларни танлаш ҳамда суғориш ишларини ташкил этишга соддалаштирилган техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кўл ва ҳовузлар, қудуқлар, шахта қудуқлари ва сув тортиш иншоотлари планларда белгиланган ишлар ҳажми миқёсида илдам қурилиши, ремонт қилиниши ва тикланишини таъминлаш таклиф этилди.

СССР Марказий статистика бошқармасига 1980 йилдан бошлаб суғориладиган лалмикор ерлардан фойдаланиш тўғрисида статистика ҳисоботини бериб бориш вазифаси топширилди, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига эса колхоз ва совхозларда сув бостирилган лалмикор ерларда ем-хашак етиштирилишини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб боришни ташкил этиш таклиф қилинди.

СССР Госкомсельхозтехникаси, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига 1980 йилда:

Хўжаликлардаги мавжуд ҳамма ёмғирлаш машиналари ҳамда насос агрегатлари, машиналари ва ускуналарини ем-хашак тайёрлаш ва қайта ишлаш учун ўз вақтида тахт қилиб қўйиш;

Шу машина ва ускуналарга сельхозтехника бирлашмаларининг куч-қувват ва воситалари билан ремонт қилиш ва техника хизмати кўрсатиш ишлари ҳажмини кўпайтириш, шунингдек район сельхозтехника бирлашмаларида шу мақсад учун зарур узел, агрегат ва тўла комплекс ускуналар алмаштирма фондларини тузиш таклиф этилди.

СССР Госснаби ва маҳсулот юборувчи министрликлар қишлоқ хўжалигига полиэтилен плёнка, пичан пресслаш сими ва каноплари, қоғоз қопларни I—III кварталларнинг фондлари

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

СОВЕТ КИШИЛАРИГА КЎПРОҚ ШИНАМ

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИБ БЕРАЙЛИК

ТОШКЕНТ УЙСОЗЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорда шу нарса зўр мамнуният билан қайд этилдики, «Главташкентстройга қарашли Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати илғор бригадалари коллективлари шу комбинатнинг ўртоқ Орипов бошлиқ бетончилар бригадасининг беш кунлик топшириқини тўрт кунда бажариш ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Шунинг натижасида уларнинг кўпчилиги ҳозирдаёқ ўнинчи беш йиллик топшириқларини адо этдилар, бу эса комбинатнинг тўрт йиллик планга қўшимча равишда 55 минг квадрат метр уй-жой топширишга, 7200 иш кунини тежаб қолишига имкон берди.

И. Х. Орипов, А. И. Борисенков, С. А. Саматов, В. В. Марков, Г. М. Асфандиёров, Г. Л. Моргунов, В. А. Галкин, А. А. Эрматов, В. Д. Грох ва К. Каримов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ана шу ватанпарварлик ташаббусини ривожлантириб Ўзбекистоннинг барча қурувчиларига мурожаат этиб, мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлашга ва 1980 йилни ленинчасига, коммунистчасига ишлаш билан нишонлашга, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилишга даъват этадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати илғор бригадаларининг беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси область, шаҳар ва район комитетларига тошкентлик уйсозларнинг ташаббусини барча қурилиш ва монтаж ташкилотларида муҳокама этиш, уйсозлик комбинатлари ва қурилишларда беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ва шу асосда уй-жой қурилишини ҳар томонлама жадаллаштиришга ва 1980 йилда ишга туширириладиган объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишига эришиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш топширилди.

ТОШКЕНТДАГИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ 1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ БРИГАДИРЛАРИДАН БИР ГРУППАСИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА МАКТУБ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ. МАКТУБДА ЖУМЛАДАН, БУНДАЙ ДЕЙИЛАДИ:

Корхонамиз ишчилари, инженерлари, техниклари, хизматчилари комбинат КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦПСПва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан сурункасига иккинчи марта мукофотланганлиги тўғрисидаги хабарни алоҳида ифтихор туйғуси билан кутиб олдилар. Биз бу мукофотни партиямиз оталарча ғамхўрлигининг яна бир ифодаси деб биламиз ва меҳнатимизга берилган юксак баҳога совет кишилари фаровонлигини ўстириш, совет кишисининг турмуш шароитларини яхшилаш йўлида янги-янги муваффақиятлар билан жавоб қайтаришга азму қарор берганмиз.

Республикамиз пойтахтини социал-иқтисодий ривожлантиришдан иборат гоят муҳим вазифани ҳал этишда — тошкентликларни шинам уй-жой билан таъминлашда иштирок этаётганлигимизни англаб, бу билан фахрланамиз. Комбинат беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 1141,1 минг квадрат метр, шу жумладан планга қўшимча равишда 55 минг квадрат метр уй-жой сақинини фойдаланишга топширди.

Илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш пешқадамларининг ватанпарварлик ташаббуслари комбинатимизда кенг оммалашмоқда. 43 бригада Н. Злобин методи асосида ишламоқда. Қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг қариб 80 процентини ана шу бригадалар бажарди. Ўнинчи беш йиллик бошида йирик панелли уйсозлик заводининг СССР Давлат мукофоти лауреати Исмоил Орипов бошлиқ бетончилар бригадаси «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз» деган ташаббусни бошлаган эди. Ишчилар коллективи ўз сўзини шараф илан адо этди. Бригада 1979 йил 1 декабрда беш йиллик топшириқ бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди ва ҳозир 1981 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Мусобақа пешқадамларининг Ватанимиз меҳнаткашлари фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини рўёбга чиқариш тўғрисидаги ташаббуси бутун коллективнинг яхшироқ меҳнат қилишига ёрдам берди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида: «Башарти одамлар дадил ишга киришсалар, ташаббусга имконият яратсалар, амалий янгиликларни қўллаб-қувватласалар муваффақият таъминланган бўлади», — деб нақадар доно ва илҳомбахш сўзларни айтди.

Биз, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг А. А. Эрматов, В. Д. Грох, А. И. Борисенков, С. А. Саматов, Г. М. Асфандиёров, Г. Л. Моргунов, В. А. Галкин, В. В. Марков ва К. Каримов бошчиликидаги бригадаларнинг ишчилари И. Х. Орипов бригадасининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат жараёнларини модифик билан ташкил этиш ҳисобига беш йиллик планидан ташқари 1 миллион 290 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этиш, 4 минг кубметр йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш, 250 тонна арматура каркаслари тайёрлаш мажбуриятини қабул қиламиз.

Биз ана шу ташаббусни тобора оммалаштириш ва ривожлантириш ишимизнинг сифати ҳамда самарадорлигини яна ҳам юқори кўтариш, қўшимча равишда 10 минглаб квадрат-метр шинам уй-жойларни фойдаланишга топшириш ва шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси республикада уй-жой қурилишини яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистоннинг барча қурувчиларинг коллективимизда юзага келган ташаббусни қўллаб-қувватлашга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги байрам қилинадиган 1980 йилни ленинчасига, коммунистчасига ишлаш билан нишонлашга, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилишга даъват этамиз.

И. Х. ОРИПОВ
В. Д. ГРОХ
С. А. САМАТОВ
Г. Л. МОРГУНОВ
В. В. МАРКОВ
А. А. ЭРМАТОВ
А. И. БОРИСЕНКОВ
Г. М. АСФАНДИЁРОВ
В. А. ГАЛКИН
К. КАРИМОВ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, иш сифати ва самарадорлигини ошириш, беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб ўтган йили мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, узум сотиш бўйича социалистик мажбуриятларини, мева тайёрлаш йиллик ҳажмини муваффақиятли бажардилар. Область бўйича 808 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрланди. Бу планда кўзда тутилгандан 150 минг тонна кўпдир. Область бўйича сабзавот экинлари ҳосилдорлиги 1978 йилдагига нисбатан гектар ҳисобига 2 центнердан ошди ва 232 центнерга етди.

Бундай муваффақиятларга колхозчилар, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнати, партия комитетлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари томонидан олиб борилган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар, ер-сув ресурсларидан, минерал ўғитлардан, гербицид ва бошқа моддий-техника воситаларидан самарадорлик билан фойдаланилганлиги натижасида эришилди. Ишлаб чиқаришга фан, техника, илғор иш усуллари кенг жорий этилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар, Бауман округи сайловчилари билан учрашувдаги нутқи, 1979 йилдаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига мувофиқ Тошкент области, илғор районлар ва коллективларнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, «Узсовпроф» ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланганлиги область меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди.

Область сабзавоткорлари, картошкакорлари, боғбонлари ва соҳибкорлари коммунистик партия ва совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида қилаётган ғамхўрликларига жавобан деҳқончилик маданиятини юксалтириш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш, мева, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Социалистик меҳнат қаҳрамони А. Эгамназаров, Ленин номли колхоздан донгдор цитрусчи З. Фахриддинов, «Қибрай» совхоз заводидан У. Улуғхўжаева, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводидан Р. Алиддинов, Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоздан Ю. Рўзнев, «Партия XX съезди» колхозидан З. Юсупов, Тошкент теплица комбинатидан М. Ҳакимбоева, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоздан С. Ибраев, Калинин районидаги Навоий номли колхоздан Ю. Исломов, Охунбобоев номли колхоздан Н. Эшонов, «Ленин йўли» колхозидан А. Ортиқов синғари ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларнинг коллективлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажарилишини таъминладилар ва улар 1980 йилда хар гектаридан 350 центнер ва ундан ошириб сабзавот, 180 центнер ва ундан ошириб картошка, 200 центнер ва ундан ошириб мева-узум ҳосили, ҳар квадрат метр теплица майдонидан 25 килограмм ва ундан ошириб сабзавот, 75 донадан лимон ҳосили олиш ташаббуси билан чиқдилар.

Область партия комитети илғор коллективларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадида А. Эгамназаров, З. Фахрудинов, У. Улуғхўжаева, Р. Алиддинов, Ю. Рўзнев, З. Юсупов, М. Ҳакимбоева, С. Ибраев, Ю. Исломов, Н. Эшонов, А. Ортиқов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг 1980 йилда сабзавот, картошка, мева ва узумдан юқори ҳосил олиш бўйича қабул қилган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига:

— илғор бригада коллективларининг қимматли ташаббусларини бригада, участка ва хўжаликларда кенг муҳокама этиш ва шу асосда ҳар бир хўжаликда сабзавот ва картошка экинларн майдонларини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сабзаваткорлар, картошкакорлар, боғбонлар ва соҳибкорлар ўртасида мўл ҳосил олиш учун оммавий социалистик мусобақани кучайтириш;

— сабзавот, картошка экинлари, мева ва узумдан мўл ҳосил олиш бўйича юксак социалистик мажбурият қабул қилган коллективларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, сабзавот ва картошка экинлари учун ҳосилдор суғориладиган ерлардан ажратиб беришни таъминлаш, уларни етарли миқдорда уруғлик минерал ўғитлар, гербицидлар, қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш топширилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларга, область радиоси ва телевидениесига сабзавот, картошка экинлари, мева, узумдан мўл ҳосил олиш учун курашаётган илғор бригадалар, районлар хўжаликлар тажрибасини кенг ёритиб бориш топширилди.

НАЗОРАТНИНГ КУЧИ— ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Тошкент область партия ташкилоти активи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. А. Антонов** «Область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ контроли тўғрисида Қонун қабул қилиниши муносабати билан халқ контроли органлари ишини янада яхшилаш ва уларга партия раҳбарлигини кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги» қароридан келиб чиқадиган вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Партиямиз, бутун совет халқи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини тантанали нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда, деди докладчи. Совет кишиларининг кундалик меҳнати ва фикри-ёди Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси юбилейини коммунистик қурилишнинг барча участкаларида янги юксак муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга қаратилган.

Якунловчи йил ва умуман беш йиллик давлат планларини муваффақиятли бажаришга Совет Ўзбекистони, унинг пойтахт области меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Область меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошириб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилаш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Саноат корхоналари коллективлари халқ хўжалигининг тўрт йили ва 1980 йилнинг уч ойи топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар. Областда капитал қурилиш, корхоналарни реконструкциялаш, турар-жой ҳамда социал объектлар ва маданий-маиший биноларни фойдаланишга топшириш кўлами кенгайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари барча маҳсулот турларини етиштириш ва тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Чорвадорлар катта зафарлар кучишаяпти. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг областимиз чорвадорларига мактуби ҳаммамизни жуда қувонтирди. Унда область чорвадорларининг гўшт, сут, тухум етиштиришдаги ютуқларига юксак баҳо берилган.

Транспорт, алоқа, фан, маданият, халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам тез суръатлар билан ривожланиб боряпти.

Партия ва ҳукуматимиз тошкентликларнинг зарбдор меҳнати, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет, хўжалик органларининг меҳнаткашларни беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар қилишдаги катта ташкилий ва сиёсий ишларини юксак баҳоладилар. 1979 йил якунларига кўра областимиз олтинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Ватаннинг бу мукофотига Тошкент шаҳри, Калинин ва Бўка районлари, 16 меҳнат коллективи ҳам сазовор бўлди.

4 шаҳар ва район, 66 саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият коллективлари республика социалистик мусобақасининг голиби деб топилди, улар Ўзбекистон Коммунистик партияси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирландилар.

(Давоми 3-бетда).

МУСОБАҚА ҚАТНАШЧИЛАРИ

Мева, сабзавот етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш юзасидан ўтказиладиган социалистик мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар, қовун-тарвуз, картошка, мева, узум етиштиришга ихтисослаштирилган бригадаларнинг коллективлари, область матлубот жамияти тайёрлов идоралари, «Ташплодоовощ» шаҳар бирлашмаси қатнашади.

а) мева, сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш мавсумида контрактация шартномаларида белгиланган ассортиментдаги сабзавотни тайёрлаб, давлатга сотиш ва тайёрлаш календарь планларини бажаришда энг яхши суръатга ва кўрсаткичларга эришган районлар, колхозлар, совхозлар ва область матлубот жамияти тайёрлов идоралари, «Ташплодоовощ» шаҳар бирлашмаси;

б) йил якуни бўйича — 1980 йилда мева, сабзавот етиштириш ва тайёрлаш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятни бажарилишини таъмин этган ва ҳосилдорлик бўйича кам деганда қуйидаги:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛДА МЕВА, САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ, ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

натижаларга эришганлар социалистик мусобақа голиби деб ҳисобланадилар.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАГА ЯКУН ЧИҚАРИШ ВА ГОЛИБЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

Илғор районлар, колхозлар, совхозлар ва область матлубот жамияти тайёрлов идоралари, «Ташплодоовощ» шаҳар бирлашмасига қарашли область давлат инспекцияси, область матлубот жамияти, «Ташплодоовощ» шаҳар бирлашмаси тавсиясига биноан икки босқичда топширилади.

1. тайёрлов мавсумида — 15 июндан 1 ноябрга қадар районлар, колхозлар, совхозларга бир ойда икки марта мева, сабзавот тайёрлаш ва давлатга сотиш календарь ҳажмини ассортиментлар бўйича бажаришда энг яхши суръатга эришган тайёрлов идораларига ҳар ойда бир — иккита байроқ — илғор колхоз ва совхозга;

— битта илғор район тайёрлов идорасига.

— битта «Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли илғор район улгурчи-чакана савдо идорасига.

Қизил байроқлар район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияси, область матлубот жамияти, «Ташплодоовощ» шаҳар бирлашмаси тавсиясига биноан икки босқичда топширилади.

1. тайёрлов мавсумида — 15 июндан 1 ноябрга қадар районлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар область партия комитети, область ижроия комитети фахрий ёрлиғи билан тақдирланадилар, бригада аъзолари эса Москвага, СССР халқ хўжалиги ютуқлари выставкасига бориш учун йўлланма билан мукофотланадилар.

2. Йил якуни бўйича — 1981 йил январь ойида топширилади:

а) мева, сабзавот етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, ҳосилдорликни оширишда энг яхши кўрсаткичларга эришган ва мусобақа голиби бўлган районлар, колхозлар, совхозлар, тайёрлов идораларига область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитети кўчма Қизил байроқлари ва область партия комитети, область ижроия комитетининг фахрий ёрлиқлари билан топширилиши билан бир йўла ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун биттадан енгил машина берилади.

б) Мева, сабзавот етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, ҳосилдорликни оширишда юқори кўрсаткичларга эришган районлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар область партия комитети, область ижроия комитети фахрий ёрлиғи билан тақдирланадилар, бригада аъзолари эса Москвага, СССР халқ хўжалиги ютуқлари выставкасига бориш учун йўлланма билан мукофотланадилар.

	ҳаммаси районлар бўйича	колхоз, совхоз ва бошқа давлат хўжаликлари	ихтисослаштирилган бригадалар бўйича	
			экин майдони	гектаридан олинган ҳосил
сабзавот-ҳаммаси	260	300	30—50	350
картошка	130	150	30—50	180
қовун-тарвуз	220	250	30—50	300
мева	100	150	30—40	180
узум	130	160	30—40	200

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ОБЛАСТЬ саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ қила бориб, доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва муҳим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини муддатидан илгари 28 мартда бажардилар. Ой охиригача пландагига қўшимча ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Бошн 1-бетда).

бўйича 1 сентябргача, йиллик фондлар бўйича эса 1980 йилнинг 1 ноябргача юборилишини таъминлашлари шарт.

Колхозлар ва (қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар) совхозларнинг эҳтиёжлари учун қўшимча материал, ускуна ва машиналар ажратилади. РСФСР маҳаллий саноатининг корхоналарида консервантларни ташиш ва сақлаш учун идишлар тайёрлаш ташкил этилади.

Колхозлар, совхозлар давлатнинг бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва аҳолининг эҳтиёжларини тўлатўкис таъминлаш учун иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига маҳаллий саноат корхоналарида қўлда пичан ўриш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифаси топширилди.

Чорвачилик ва ем-хашак етиштириш машинасозлиги министрлигига 1980 йилда қишлоқ хўжалиги учун қўшимча равишда қўлда ишлатиладиган моторлаштирилган косилкалар тайёрлаб етказиб бериш таклиф этилди.

СССР давлат банкига мустақил равишда

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

БУНДАН 60 йил муқаддам, 29 март — 5 апрель кунлари Москва РКП(б)нинг IX съезди делегатларини қизғин қутиб олди. Булар жами 716 коммунист бўлиб, 600 мингдан зиёд партия аъзоларининг вакиллари эди.

Ҳа, ўша йили гражданлар урушидаги оғир йўқотишлардан сўнг ҳам Ленин партияси аъзолари сони бир йил мобайнида, яъни VIII съездан кейин икки баравар кўпайган эди. Бу эса РКП(б) обрўсининг янада ошганлиги, унинг сиёсати тўғри ва омма билан алоқаси мустаҳкам эканлигидан ёрқин далолат берар эди.

Делегатлар, барча коммунистлар съезд кун тартибида қандай масалалар қўйилганлигини жуда яхши билишарди. 1920 йил март ойи бошида партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси партия ташкилотларига хат билан мурожаат қилиб, бўлажак съезднинг асосий мақсади «конли фронтдаги курашдан консиз фронтдаги, меҳнат фронтидаги курашга» ўтиш усуллари, услублари ва тадбирларини белгилашдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.

Шундай ҳам бўлди. Съездда Марказий Комитет ҳисоботи тингланиб, биринчи навбатда ҳўжалик қурилишининг энг муҳим вазифаларини муҳокама этишга киришилди. Съезд ишига В. И. Ленининг ўзи бевосита раҳбарлик қилди, у съездни очиб, партия сиёсий фаолияти ҳақида ҳисобот доклади қилди, бир неча бор энг муҳим масалалар юзасидан нутқлар сўзлади.

Мамлакат экономикасини тиклаш йўллари, халқ ҳўжалигини ривожлантириш ягона планини ишлаб чиқиш, хуллас, социализмнинг иқтисодий базасини яратиш тўғрисидаги ленинча таклифларни съезд қўллаб-қувватлади. Мазкур планнинг амалга оширилиши учун энг аввало, халқ ҳўжалигини электрлаштириш режаларини тузиб чиқиш лозим эдики, съезднинг бу кўрсатмаси орадан кўп ўтмай машҳур ГОЭЛРО планини тузиш учун мустаҳкам негиз бўлди.

Иккинчидан, съезд ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашлар оммасини бевосита жалб этиш, ишчилардан раҳбар кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, ҳар бир ишчи социалистик ҳўжалигининг умумий системасида ўз корхонасининг роли ва ўрнини албатта пухта билиши лозимлигини таъкидлади.

Учинчидан, партиянинг олий йиғини ишчиларнинг доҳий «буюк почин» деб атаган ажойиб ташаббусини зўр қониқиш билан маъқуллаб, партия ташкилотларидан коммунистик шанбаликларни ҳаётга чуқур сингдиришни талаб қилди.

Меҳнат мусобақасини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берган съезд ташкил этиш, юксак онгликни сингдириш, бир сўз билан айтганда, коммунизм бунёдкорларини тайёрлашдек олийжаноб мақсадларга хизмат этиши даркор.

Бешинчидан, съезд партия олдида турган умумсиёсий ва социал-иқтисодий вазифалардан келиб чиқиб, РКП(б) ва партия ташкилотлари фаолиятининг, кадрларнинг ғоявий-сиёсий савияси ва ишчанлик малакасини оширишнинг конкрет формаларини аниқ-равшан белгилаб берди, партия пропагандасини яхшилаш, социалистик қурилишда матбуот ролини оширишни талаб қилди. В. И. Ленин китоб ва брошюралари тўла нашрини чоп этиш тўғрисида съезд қабул қилган қарор идеология ишини юксалтиришда катта аҳамият касб этди.

РКП(б) IX съездининг юқоридаги энг муҳим масалалар бўйича қабул қилган қарорлари бизнинг кунларимиздаги коммунистик қурилиш вазифалари билан тўла ҳамоҳангдир. Орадан ўтган олтмиш йиллик давр мазкур қарорларнинг зўр тарихий аҳамиятини қайта-қайта тасдиқдан ўтказди.

Съездда қабул қилинган ленинча йўлнинг бутун илмий-амалий ғоялари КПСС томонидан изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Партиянинг бутун ижодкорлик фаолияти самараси ўлароқ, мамлакатни ривожлантириш ягона ҳўжалик планлари бош йилликлар давомида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Коммунистик партия Ленининг социалистик мусобақа тўғрисидаги башоратли ғояларига ҳам содиқ қолиб, уни янада ривожлантириш учун алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Мусобақа эндиликда, ривожланган социализм шароитида, бутун жамиятимиз ҳаётига сингиб кетди. Ўнинчи беш йиллик давомида у самарадорлик ва сифат учун умумхалқ курашининг энг муҳим методларидан бири бўлиб қолди. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириш, уни сифат кўрсаткичларига йўналтиришни ҳозирги халқ ҳўжалиги вазифаларига татбиқан ташкиллий, оммавий-сиёсий, идеологик ишнинг бош йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Омма ижодкорлигининг яна бир ёрқин кўриниши бўлган коммунистик шанбаликлар ҳам бизнинг давримизга келиб миллион-миллион совет кишиларининг «буюк почин»ни янада ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги ленинча ғояга садоқатини кенг намойиш этмоқда. Улар ҳар йили баҳорда, доҳий таваллуди шарафига саноат, қишлоқ ҳўжалиги, маданий қурилиш жабҳаларида «қизил шанбалик» ташкил этиб, ундан тушган маблағларни коммунистик қурилиш, тинчлик ва бунёдкорлик манфаатларига йўналтирмоқдалар.

КПСС социалистик жамиятда касаба союзлари роли ва аҳамияти тўғрисидаги ленинча ғояларни ҳам ижодий тарзда ривожлантириб, изчил амалга ошириб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, совет касаба союзлари бошқарув мактаби бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай мактаб бўлиб қолмоқда. Бу оммавий мактабдир, унда ўнлаб миллион кишилар ишлаб чиқариш, давлатни, жамиятни бошқариш илмини ўқиб ўрганиб бормоқдалар.

РКП(б) IX съезди доҳий ғоялари билан суғорилган қарорлари бутун партияни, барча меҳнаткашларни ёш Совет давлати тарихида энг дастлабки тинч қурилиш даврининг дадил ва илмий программаси билан қуроллантирганлиги учун ҳам тарихий жиҳатдан аҳамиятлидир.

И. СУЛТОНОВ.

РКП(б) IX СЪЕЗДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

НАЗОРАТНИНГ КУЧИ— ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА

(Боши 1-бетда).

Беш йиллик топшириқларини бажаришдаги шавкатли меҳнатлари учун 179 саноат корхонаси, қурилиш ташкилоти, колхозлар, совхозлар, 3 мингга яқин цех, бригада, участка, смена, ферма, бўлим, қарийб 75 минг ишчи ва колхозчи фахрий Ленин ёрлиғи, 1322 киши орден ва медаллар билан мукофотланди.

Тошкентликлар эришган меҳнат зафарларида, уларнинг партия кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишдаги фидокорона ишларида халқ контроли органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бордир. Халқ контроли органлари ишлаб чиқаришнинг барча звеноларида юксак даражада ташкилотчилик, интизомлилик, ижодкорлик сифатларини таркиб топтиришда партия ташкилотлари, совет, ҳўжалик органларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети халқ контролига, унинг социалистик демократия системаси, интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлашдаги фаолиятини такомиллаштиришга жуда катта эътибор бермоқда.

Партия съездлари қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида халқ контроли органлари фаолиятига муносиб баҳо берилган эди.

СССР халқ контроли тўғрисидаги қонунни СССР Олий Советининг 1979 йил ноябрдаги сессиясида қабул қилингани ва КПСС Марказий Комитети қарори партия, совет ҳукуматининг халқ контролига нисбатан чексиз ғамхўрлиги ва эътиборини яна бир бор ёрқин кўрсатиб турибди.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг ижро устидан назоратни кучайтириш ҳақидаги қарорларига амал қилиб, халқ контролига раҳбарлик даражасини ошириб бормоқда.

Область халқ контроли органлари КПСС XXV съездидан кейинги давр ичида сифат ва сон жиҳатдан ўсди. Ҳозир область 34 та комитет фаолият кўрсатмоқда. Уларга партия, совет, ҳўжалик ишида катта тажрибага эга бўлган коммунистлар раҳбарлик қилишмоқда. Группа раҳбарларининг 90 процентдан кўпроғи партия ташкилоти секретарларининг ўринбосарлари ёки партия комитети, бошланғич партия ташкилоти бюроларининг аъзоларидир.

Корхоналар, колхоз ва совхозлар, муассасалар, ташкилотлар, савдо ва маиший хизмат корхоналарида 11 минг группа ва пост ҳаракат қилмоқда. Улар 96 мингдан кўпроқ энг яхши ишчи, колхозчи, зиёлиларни ўз сафига жипслаштиришган.

Халқ назоратчиларининг 56 проценти коммунист ва комсомоллардир. Ўндан бир қисми эса СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларнинг депутатлари, ундан икки қисми эса халқ ҳўжалиги турли соҳаларининг мутахассисларидир.

Область, шаҳар, район халқ контроли комитетларининг сифат состави яхшиланди. Уларнинг ҳузурида 268 штатсиз бўлим бўлиб, 3,5 минг активга эга.

Халқ назоратчилари иш услуби ва методлари такомиллашиб бормоқда. Кенгомма билан, халқ депутатлари Советлари доимий комиссиялари, касаба союз, комсомол ташкилотлари билан алоқалари яхшиланиб бормоқда. «Миконд», Ўзбекистон металлургия, «Ўзбекхиммаш» заводлари, Ғалаба районидаги Ленин номли, Тошкент районидаги К. Маркс номли, Пискент районидаги «Гулистон» колхозлари, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа жойлардаги халқ контроли группалари иши намунали йўлга қўйилган.

Биз жуда кўп халқ назоратчиларининг номини минатдорчилик билан тилга оламиз, деди докладчи. Улар Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ва Ўрта Чирчиқ район халқ контроли комитети штатсиз бўлимларининг мудирлари Н. Соловьев, О. Рогоза, Т. Байметов, Фрунзе район халқ контроли комитети штатсиз бўлимининг мудири В. Гришин, 11-«Висотстрой» трести бош халқ контроли группасининг раиси В. Чурсин, Ангрен разрези машинист — экскаватори, халқ назоратчиси А. Умаров, «Бекабадцементмонт» заводининг ишчиси Т. Гаффоров шулар жумласидандир.

Бекобод шаҳар, Ғалаба, Янгийўл район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари комитет ва группалар тавсияси ва таклифларини оператив ҳал қилмоқдалар.

Шу билан бирга айрим комитетлар, группа ва постлар ҳамон талаб даражасида ишлашмаяпти. СССР қонунида айтилганидек, халқ контроли органлари ўз фаолиятида халқ ҳўжалиги резервларини қидириб топишга даъват этилгандирлар. Хомашё, материаллар, ёнилғи, электр энергиясидан тежабтергаб фойдаланиш учун бошланган умумхалқ курашида актив иштирок этиш халқ назоратчиларининг шарафли бурчидир.

Кейинги бир ярим йил ичида областимизда 300 дан ортиқ корхона ва ташкилот текшириб чиқилди. Бу текширувлар темирйўл ва автомобиль транспорти ишини яхшилашга анча ёрдам берди.

Шу билан бир қаторда тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма ерда ҳам транспорт иши аниқ йўлга қўйилмаяпти. Халқ контроли группа ва постлари комсомол прожектори билан ҳамкорликда давлат интизомини бузувчиларга, жамоат транспортидаги тартибсизликларга қарши курашни кучайтириши лозим.

Бундан ташқари қурилиш ташкилотлари ҳам бир меъёрда ишламаяпти. Бунёдкорлик майдонларида механизм ва техникадан фойдаланиш даражаси паст. Қурилиш ташкилотларининг айрим раҳбарлари объектларни кўпгина камчиликлар билан топширишмоқда.

Халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари уларга берилган Қонун асосида капитал қурилишга эътиборни кучайтиришлари керак.

Қишлоқда 1454 халқ контроли группа ва постлари ҳаракат қилмоқда. Унинг деярли 15,5 мингдан кўп активлари бор. Бу катта кучдир.

«Госкомсельхозтехника» бирлашмаси, колхоз ва совхозлар халқ контроли группалари 1978—1979 йилларда қишлоқ ҳўжалиги техникаси, минерал ўғит, емларни сарфлаш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва фойдаланиш бўйича 400 дан ортиқ текширишлар ўтказди.

Халқ назоратчилари ердан, техникадан, меҳнат резервларидан самарали фойдаланиш маҳсулот таннархини арзонлаштириш, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасидан самарали фойдаланиш бўйича планни ва қатъий қураш олиб боришлари зарур.

Область партия комитети халқ контроли комитетларига чорвачиликни ривожлантиришнинг энг муҳим звеноси — ем ишлаб чиқаришни ошириш, уларни тайёрлашда прогрессив технологияга амал қилиш, сифатини яхшилаш, сақлаш ва қайта ишлаш биноларни қуришга катта эътибор билан қарашни топширди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини ошириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашда тежамкорликка алоҳида эътибор бериш лозим.

Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарида ҳам намунали тартиб ўрнатилиши керак.

Мактабгача тарбия, медицина муассасалари, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, фан ва маданият муассасалари группа ва постлари ҳам бир мақсад сари актив фаолият кўрсатишлари лозим.

Халқ контроли фаолиятида меҳнаткашларнинг хатларн, шикоятлари ва аризаларини текшириш энг муҳим участкалардан биридир.

Халқ контроли органлари ишини яхшилаш, ташаббускорлигини ошириш, шубҳасиз, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, область ижроия комитети, халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг раҳбарлик даражасига боғлиқдир.

Афсуски, кўпгина партия ташкилотлари халқ назоратчиларининг имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш юзасидан кам тадбирлар белгилашмоқда. Бекобод, Чиноз, Куйбишев, Сергели, бошқа бир қатор район партия комитетлари халқ контролига раҳбарлик форма ва методларини суст такомиллаштирмоқдалар. Группа ва постларга лозим даражада йўлланмалар берилмайди, ўтказилган текширишлар юзаки ва кам самарали бўлади.

Шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар, район ижроия комитетлари олдида турган муҳим масалаларни ҳал этишда ўзларининг яқин ёрдамчилари бўлган халқ назоратчиларининг обрў-эътиборини ошириш учун қатъий курашишлари лозим. Уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашлари керак. Раҳбарлар халқ назоратчилари аниқлаган камчиликларга, уларнинг таклифларига оператив ва ишчанлик билан муносабатда бўлишлари лозим.

Халқ назоратчиларининг касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан алоқасини мустаҳкамлайлик.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари область, шаҳар ва район халқ контроли комитетлари халқ назоратчиларининг ўзларн сайланган меҳнат коллективларн олдидаги масъулиятини ҳар тарафлама оширишлари лозим. Халқ контроли комитетлари группа ва постларининг коллектив олдида ўз ишлари ҳақида мунтазам ахборот бериб боришларига эришилсин.

Ҳозир халқ контроли органлари муҳим ташкилий сиёсий тадбир — ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик кўрмоқдалар. Шаҳар, район партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари ҳисобот-сайлов кампаниясини юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада ўтишини таъминлашлари лозим.

Халқ назоратчиларининг ўқуви, уларнинг юридик ва ҳуқуқ билимларини ошириш, халқ назоратчилари мактаблари шахобчаларини кенгайтириш, доимий ҳаракатдаги семинар ва факультативлар сонини кўпайтиришга эътибор билан қаралиши керак.

Докладчи сўзининг охирида шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг халқ контроли ҳақидаги қарорлари асосида бундан кейин ҳам халқ контроли органлари фаолиятини такомиллаштириб боришлари, якунловчи йил ва ўнинчи беш йиллик планларини бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини, КПССнинг навбатдаги XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун халқ назоратчиларининг активлигини ва ташаббускорлигини оширадилар деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз, деди.

Музокарада сўзга чиққан Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари **Х. Тошхўжаев** КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ контроли тўғрисида» Қонун қабул қилиниши муносабати билан халқ контроли органлари ишини янада яхшилаш ва уларга партия раҳбарлигини кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори район партия ташкилоти, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари халқ назоратчилари ҳаракати учун жанговар программа бўлиб қолди деди. Район партия комитети халқ контроли органларига кадрларни танлаш, ўқитиш, инструктив кенгашлар ўтказишда доимий ёрдам бериб келмоқда. Район газетасида энг яхши халқ контроли группа ва постлари ҳақида материаллар бериб борилаяпти. Уларнинг илғор тажрибалари оммалаштириб борилмоқда.

Шу билан бирга жамоатчилар ишида айрим камчиликлар ҳам бор. Хусусан, улар маҳсулот сифатини яхшилаш, халққа маиший хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ишига кам эътибор бермоқдалар. Халқ назоратчиларининг ишини активлаштиришга ёрдам бермоқ керак.

Тошкент шаҳридаги йирик саноат корхоналарида 10 район, 4 комитет фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг муваффақиятлари ва ишлардаги камчилик ҳақида Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси **Ф. Назруллаев** сўзлаб берди. Ўтган йили жамоатчилар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, халққа хизмат кўрсатишни яхшилашга хизмат қиладиган 3500 дан ортиқ турли таклиф ва тавсиялар билан чиқишди.

Шаҳар халқ контроли органлари гражданлар хатлари ва шикоятлари билан ишлаш, уларни қабул қилиш ишига катта эътибор билан қарамоқда.

Область комсомол комитетининг иккинчи секретари **В. А. Котов** ўз нутқида область комсомол-ёшларнинг халқ назорати ишини кучайтириш бўйича вазифаларига тўхталиб ўтди. Областдаги барча корхона ва ҳўжаликларда «Комсомол прожектори» штаби ишлаб турипти. Халқ ҳўжалигида шуғулланаётган ҳар беш ёшнинг бири прожекторчилар сафидан ўрин олган. Лекин уларнинг айримлари халқ назорати ишида етарли тажрибага эга эмаслар. Шунинг учун ҳам уларнинг ўқуви, бой тажриба орттиришларига ёрдам бермоқ керак.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб-чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг секретари **Ш. Акбаров** корхонада халқ контроли группаси ва постларига партия раҳбарлиги ҳақида гапирди. Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **М. Исматов** халқ назоратчиларининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотини ошириш йўлида қилаётган ишлари ҳақида сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси **Н. М. Маҳмудов** нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари **Г. Қ. Ҳайдарова** иштирок этди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1979 йилда дон, пахта ва бошқа ҳил деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги шавкатли меҳнати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Эгамбердиев Нажим Абдурахмонович — Калинин районидаги теплицалар қуриш ва фойдаланиш комбинатининг шофёри.

Эгамбердиева Бубихон — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз аъзоси.

Эргашев Қодир — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Эргашева Куйди — Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзоси.

Эсаев Илимдор — Бўка районидаги «Кўкорол» совхози бригада бошлиғи.

Эшонқулова Гулнор — Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси.

Эшонқулова Ўрозгул — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Эшбоев Равшан — Бекобод районидаги «Победа» колхози трактурчиси.

Йўлдошев Дароб — Пискент районидаги «Гулистон» колхози звено бошлиғи.

Йўлдошев Тўравой — Тошкент районидаги А. Абдураҳмонов номли совхоз ишчиси.

Йўлдошев Умар — Чиноз районидаги «Янгиобод» совхози ишчиси.

Йўлдошева Нишонбу — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ишчиси.

Йўлдошева Санобар — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Юнусова Сурма — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Юсупова Ўғилжон — Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Яхёева Абиба — Коммунистик районидаги «Паркент» совхоз-заводи ишчиси.

Ёқубова Жаҳон — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбоев номли колхоз аъзоси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдиева Хурсаной — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Абдужабборов Хайриддин Носирович — Ўзбекистон ЛКСМ Комунистик район комитетининг биринчи секретари.

Абдуқодиров Бозорбой — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз аъзоси.

Абдуқодирова Жамила — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг аъзоси.

Абдуллаев Раит — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий текшириш институтининг бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри.

Абдуллаева Салима — Калинин район теплицалар қуриш ва фойдаланиш комбинати мастер-сабзавотчиси.

Абдурасулов Эргаш — Бўстонлиқ районидаги халқ депутатлари «Угом» қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

Абдураҳимов Маматқул — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози бригада бошлиғи.

Абдураҳимова Туйма — Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Абдураҳмонов Адҳам — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаш институти лабораторияси бошлиғи. Янгийўл райони.

Абдураҳмонов Исмоил — Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг трактурчиси.

Абдураҳмонов Малик — Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхоз механизатори.

Абдурашитов Сервер — Чиноз районидаги «Олмазор» совхоз-заводининг ишчиси.

Абдусаматов Қувон — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз трактурчиси.

Абулқосимов Нодир — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз раисининг муовини.

Абдусатторова Райҳон — Чиноз районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Авезов Борис Абдуқаюмович — «Узплодоовощвинпром» аграр саноат бирлашмасининг Тошкент область боғдорчилик-узумчилик совхоз-трести бўлимининг бошлиғи.

Агишева Мадина Усмоновна — В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юртининг талабаси.

Одилов Бўри — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи.

Айтбоев Тўқбой — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бош бухгалтери.

Акбарова Унсун — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзоси.

Акимова Гулсара Хидоятовна — Калинин районидаги «Бўзсув» совхозининг ишчиси.

Акишина Елена Николаевна — Оржоникидзе районидаги Марказий контроль-пахта уруғчилиги станциясининг катта техниги.

Алиев Шевкет Мамедович — «Сортсемьовощ» Тошкент область бирлашмасининг участка агрономи.

Аликулов Деҳқон — Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг бригада бошлиғи.

Алимов Абдуғани — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

Алимова Қумри Рахматовна — Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз раисининг муовини.

Алимова Малика Алимовна — Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг механизатори.

Оллонурова Ўғилсултон — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг ишчиси.

Анварова Фотима — Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзоси.

Андасова Журсиной — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Апаликова Лидия Николаевна — Ангрен керамика комбинатининг прессловчиси.

Аржонов Илёт — Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

Аристонов Бектурғун — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг сувчиси.

Асонов Жуман — Коммунистик районидаги Жумабозор пахта тайёрлаш пунктининг механиги.

Атиев Туроп — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз сувчиси.

Аҳмедов Рустам — халқ депутатлари Тошкент район Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

Аҳмедова Замира — Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг 15, 19, 20 ва 21, 25, 26 март сонларида).



Тошкент область Калинин районидаги Маяковский номли 1-мактабда меҳнат таълими яхши йўлга қўйилган. Суратда: ўқитувчи Ҳувайдо Мухторова ўқувчилар билан бичиш-тикиш машғулотини олиб бормоқда.

Э. Муҳамедов фотоси.



Х. Осмонова беш хил касб эгаси. У Янгийўл биохимия заводининг ксилит цехидаги барча операцияларни бемалол бажаради. Шунинг учун ҳам норманн доим ортиғи билан адо этмоқда. Ушбу суратда илғор ишчи Х. Осмоновани иш устида кўриб турибсиз.

А. Палехов фотоси.

КОЛХОЗЧИЛАР ҲУЗУРИДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени ўзбек давлат филармониясининг достончилар группаси яқинда Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз клубида ўз санъатларини намойиш қилдилар. Колхозчилар меҳмони бўлган санъаткорлар ўзбек халқ достонларини юксак маҳорат билан ижро этишди. Томошабинлар халқ достончилари Болабахши Абдуллаев, Отахон Матёқубов, VI Жаҳон Ёшлари фестивали қатнашчиси, филармониянинг солисти Онабиби Аҳмедова, Хоразм достонларининг моҳир ижрочиси Жумабой Бобоев ва бошқаларнинг чиқишларини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Достончилар группаси халқ оғзаки ижодини ривожлантириш, уни халқ орасида янада оммалаштириш борасида катта ишларни олиб боришмоқда. Улар тез-тез областимиз колхоз ва совхозларида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этишяпти.

А. РИХСИБОЕВ.

ОБИД ТОЛИПОВ — 60 ЕШДА



САНЪАТКОР БАХТИ

Октябрь тенгдоши бўлган Обид Толипов Олмазор маҳалласидаги «Ҳаёт» номли мактабда драма тўгарагига муттасил қатнашиб юрарди. Кунлардан бирида улар «Етим бола» спектаклини қўйишмоқчи бўлишди. Ёш Обид ака етим бола ролини ижро этди. Бу спектаклни таниқли санъаткорлар Аброр Ҳидоятов ва Жавод Обидовлар келиб кўришади-да, Обид акадаги талантни кўриб, уни Лоҳутий номидаги театр билим юртига олиб бориб беришади. Театр билим юртини 1937 йилда муваффақият билан тугатгач, унга ҳозир ишлаб келаётган Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрига йўлланма бердилар. У театрда артист ва режиссёр-лаборант сифатида муваффақият билан ижод қила бошлайди.

1940 йилда Совет Армияси сафига чақирилган Обид ака Улуғ Ватан урушида қатнашиб мардонавор жанг қилади. Уруш тугагач, яна ўзининг жонажон театрига қайтади. У биринчи бўлиб «Ревизор»да — Бобчинский, «Маршалнинг болалик чоғи»да — Будённийнинг ёшлиги, «Оқариб кўринади ёлғиз бир елкан»да — Петя каби ажойиб образларни яратди.

1952 йилда партия ва ҳукуматимиз Обид Толиповнинг хизматларини инобатга олиб Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирлайди. Талантли артист унвон олгач актёрлик маҳоратини янада ошириш кераклигини ҳис қилиб, сиртдан Островский номидаги театр ва рассомлик институтида таҳсил олади. 1958 йилда Бутуниттифоқ болалар театрлари фестивалида Абдулла Набиев ролини маҳорат билан ижро этгани учун фестиваль лауреати номини олишга муваффақ бўлди.

Обид ака фақат актёр бўлиб қолмай, педагог-тарбиячи ҳамдир. Режиссёр ва драматург Иброҳим Аҳмедов билан биргаликда «Сирли сандиқ», «Ким айбдор», «Қимирлаган қир ошар», «Ҳуснбузар», «Анқов», «Жасур», «Гумон» каби бир нечта пьесалар яратди. Бу асарлар область ва халқ театрлари саҳнасидан муносиб ўрин олган. Обид Толипов бу ишлари учун 1966 йилда Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси деган нишон билан тақдирланди.

Юксак маҳорат эгаси бўлга олиб Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирлайди. Талантли артист унвон олгач актёрлик маҳоратини янада ошириш кераклигини ҳис қилиб, сиртдан Островский номидаги театр ва рассомлик институтида таҳсил олади. 1958 йилда Бутуниттифоқ болалар театрлари фестивалида Абдулла Набиев ролини маҳорат билан ижро этгани учун фестиваль лауреати номини олишга муваффақ бўлди.

Обид ака ҳеч бир рол танламайди. Чунки ҳар бир ролнинг ўзига хос оғирлиги бўлади. У кичик ролни ҳам катта маҳорат билан бажариб, эсда қоладиган образ яратади.

Унда бора-бора доҳий образини яратиш орзуси туғилади. У даставвал Ленин образининг асосчилари Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаев, СССР халқ артисти Шукур Бурхонов каби устозлардан сабоқ олди. Доҳий образини яратиш устида кўп ишлади ва ниҳоят актёр ниятига етди. М. Шатровнинг «Революция номи билан», П. Телегеновнинг «Етти миллионли умр» асарларида Ленин образини, А. Поповнинг «Оила» асарида гимназист Володя ролини катта маҳорат билан саҳнага олиб чиқди. О. Толиповни юксак маҳоратли актёр сифатида Ўзбекистон телевидениеси ҳам ўз спектаклларида Ленин образини ўйнашга таклиф қилди. У «Ленин ва печкачи», «Лимонлар», «Сибирь деҳқонлари Ленин ҳузурида», «Ер ҳақида Декрет» каби ўндан зиёд телевизион спектаклларда доҳий ролини «зангори экран»га олиб чиқди.

Обид ака ҳамма вақт тинимсиз меҳнат билан машғул. Уни театрдан бўш вақтларида мухлислари учрашувларга таклиф этиб туришади. Бундай йиғинларда актёр Ленин ролини уч юз мартадан кўпроқ ўйнади. Республикамиздан ташқари Обид Толипов Қирғизистоннинг — Ўш областида, Қозоғистоннинг — Чимкент областида, Душанбе шаҳрида турли учрашувларда қатнашди.

Обид Толипов ҳозир ҳам бетиним изланишда. У фақат актёр бўлиб қолмай мураббий ҳамдир. Театрдаги ёшлар унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Устозининг рафиқаси — Ўзбекистон халқ артисти М. Йўлдошевани ҳам санъат ихлосмандлари яхши билишади. Актёрлар уни ҳурмат билан Онамиз дейишади. Улар ҳамма вақт биргаликда изланишда. Ўтган йил Обид ака учун яна бир қувончли воқеа бўлди, у Ўзбекистон халқ артисти деган фахрли унвон билан тақдирланди. Обид Толиповнинг 60 йиллик юбилейи кунида биз санъаткорга сиҳат-саломатлик, ижодий камолот тилаганимиз, чеҳрангиздан ҳамма вақт табассум аримасин дейміз.

Р. ОРИПОВ.
Ўзбекистон Театр жамияти правлениесининг масъул секретари.

КАНИКУЛ СОЗ ЎТМОҚДА

МАКТАБ ўқувчиларининг каникулларини мазмунли ўтказиш мақсадида Чирчиқ шаҳрида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан революция йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таништиришнинг комплекс плани ишлаб чиқилган.

Шаҳардаги энг яхши А. Навоий номли ва «Октябрь» кинотеатрлари ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Бу ерда «Ленин ниши яшайди ва ғалаба қилади» шиори остида бадиий ва ҳужжатли фильмлар кинофестивали ўтказилмоқда. Ҳар бир фильмнинг бошланиши олдидан ўқувчилар ҳузурига кекса коммунистлар, 30-йилларнинг комсомоллари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари таклиф қилинияпти. Улар билан қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

Кинотеатр фойесида рассом Н. Н. Жуков асарларидан ташкил қилинган кўргазмада ҳам Ленин образи акс эттирилган. Томошабинлар ҳузурида шаҳардаги 14 мактаб ўқитувчиси В. Луковникова лекция ўқийди. Н. Н. Жуков ҳақидаги «Рассом устахонасида» деган илмий оммабоп фильм ўқувчилар билим ва кўникмаларини янада бойитади.

Яна бир сеанс олдидан Ҳамза номидаги музика мактабининг ўқувчилари Илькч севган қўшиқларини ижро этишади. Сўнгра эса «Апассионата» деб номланган бадиий фильм намойиш қилинади.

Табиат куни ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. А. Навоий номли кинотеатр фойесида мактабларнинг жонли бурчакларида парвариш қиладиган турли хил балиқлар, қушлар ва бошқа хил жониворлар кўргазмаси очилди. Шу куни биология ўқитувчиси Т. Заводская «Табиатга Ленинча муносабат» деган мавзуда суҳбат ўтказади. Ўқувчилар «Ёввойи ҳайвонларнинг тақдири» деган қисқа метражли илмий оммабоп фильмни кўрдилар.

Бу тарбирларни шаҳар киноси ходимлари, педагогик коллективлар, комсомол ташкилотлари, шаҳар кутубхонаси ва табиатни муҳофаза қилиш шаҳар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширмоқдалар.

В. БАСИН.

ОРОМГОҲЛАР КЕНГАЙМОҚДА

БАҲОР келиши билан шаҳримиз боғ ва ҳиёбонларида иш қизғин тус олиб кетди. Сув шахобчалари тозаланиб, дарахтларга шакл берилмоқда, янги очилган ҳиёбонларга манзарали дарахт ва анвойи гул кўчатлари ўтказилмоқда.

Бу йил шаҳримиздаги оромгоҳлар кенгайиб, 420 гектардан ошади. Қўшимча 14 минг туп манзарали дарахт кўчати, 90 минг туп бута ўтказилади. Айниқса «Қорасув», Юнусобод, Тракторсозлар массивларнинг кўкаламзорлаштириш қизғин боряпти. Айни пайтда мавжуд маданият-истироҳат боғлари ҳам кўркам тус олмоқда.

Тельман номли маданият ва истироҳат боғида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Павильонлар ва киоскалар янгиланмоқда. Салор бўйи ободонлаштирилмоқда. Канал соҳилларига 400 хил дарахт, 4 минг туп гул кўчати ўтказиш мўлжалланган.

Ҳозир боғ ўртасида 3 та янги аттракцион қурилди. Баҳорги каникул кунларида бу жойлар ўғил-қизларимиз билан гавжум бўлади. Бундан ташқари Чехословакиянинг «Лунапарк» цирк ўйинларини бошлашга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

Ленин комсомоли, Максим Горький, Пушкин номли маданият ва истироҳат боғларида ҳам баҳор нафаси кезмоқда. Ҳа демай, боғлар бағри дам олувчилар билан гавжум бўлади.

М. ЗАРИПОВ.

МАКТАБДА БАҲОР БАЙРАМИ

НАВРЎЗГА бағишланган байрам юқори синф ўқувчилари ўртасида ўзига хос мусобақага айланиб кетди. Байрам программасига мувофиқ мактабнинг 8, 9, 10-синф ўқувчилари кўклам таомларидан стол безашди, кўшиқ ва рақслар, драматик асарлардан кўринишлар тайёрлашди.

Мусобақаларни уюштиришда адабиёт ўқитувчиси Дилобар опа Раҳимованинг хизматлари катта бўлди. Ўқитувчи раҳбарлигида тайёрланган ва кўп сонли ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган қўшиқ ва рақсларда Ватан, бахт ва баҳор мадҳи тараннум қилинди. Унгаров, Алихўжаев, Бойматова каби ўқувчилар қўшиқларни, айниқса, зўр маҳорат билан ижро этдилар.

Байрам мусобақаси низомига кўра жюри аъзолари ҳар бир синф ўқувчиларининг чиқишларидан сўнг, уларга баҳо қўйишди.

Баҳор байрамида 9 ва 10 синф ўқувчиларининг кучлари тенг деб топилди. Программа ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

М. РИХСИЕВ.
С. Раҳимов районидаги 15-мактаб.

Реклама ва эълонлар

«УЗБЕККОНЦЕРТ»
Тошкент давлат циркида
29 ВА 30 МАРТ КЕЧ СОАТ 20.00 да
КАТТА КОНЦЕРТ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ҳабиба ОХУНОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Камолиддин РАҲИМОВ, Уринбой НУРАЛИЕВ, Маҳмуджон ИСОМИДДИНОВ.
Солистлар: Турдиали САЪДУЛЛАЕВ, Баҳодир БАКИРОВ, Турсуной МАМЕДОВА, Мавлуда ҲОЖИЕВА, Лазокат РЎЗМЕТОВА, Карима РАСУЛОВА, Носир ЗОКИРОВ.
Раққосалар: Мавлуда НИЗОМОВА, Альфия АСАНОВА, Людмила МАКСИМЧА, Кимёхон РЎЗМЕТОВА.
ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Ўзбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
2 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК
«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Гулсара ЭҚУБОВА.
Солистлар: Аҳмаджон ШАРИПОВ, Асқарали ҲИДИРОВ, Олмагул СУИЕРБОЕВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Валентина ПАШКОВА, Урбугул СУИЕРБОЕВА, Мавжудахон БАҲРИЕВА, Клара ҲЎЖАЕВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Раъно ЖУМАНИЕЗОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани Ўғилой ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.
Ансамблнинг балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.
Мусика раҳбари — Нажот ТЎРАХЎЖАЕВ.

Тошкент трамвай-тролейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг
1- ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)
ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАЙДИГАН
5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
ҲАР ОЙДА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ. КУРСАНТЛАР, СЎНГРА ҲАЙДОВЧИЛАР ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНАДИЛАР. БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ДЕПО ЯҚИНИГА ЖОЙЛАШГАН ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.
МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.
Депо ишчилари форма кийимн билан таъминланадилар, (50 процент ҳақи тўланади).
ШУНИНГДЕК, КОНДУКТОРЛАР ВА КОНТРОЛЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.
ЎҚИШ — МУДДАТИ 15 КУН. СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.


Жаҳон янгиликлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ХАЛҚ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА БИРЛИГИ УЧУН

КОБУЛ, 27 март. (ТАСС). ХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, ДРР Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал Афғонистондаги пушту қабилаларининг раҳбари Абдулғаффорхон билан учрашди.

Учрашув чоғида Абдулғаффорхон Апрель революцияси янги босқичга кирганлигини табриклади. Бунинг натижасида Амин тўдаси ағдарилиб ташланиб, Афғонистон халқи учун тинчлик, демократия ва эркинлик таъминланди. У империализмнинг Афғонистон ички ишларига аралашаётганлигини қоралади ва бу аралашиш теварак тўхтатилишини талаб қилди. Шундан кейингина Афғонистонда ДРРга қарши агрессияни даф этиш учун турган чекланган миқдордаги совет қўшинларининг Ватанига қайтиши учун замин яратилади, деди Абдулғаффорхон.



БОЛГАРИЯ Халқ Республикаси. Пловдив шаҳридаги машинасозлик заводида юк ортувчи «Рекорд-2» машинанинг янги моделини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу машина аввал Совет Иттифоқида синаб кўрилиб, мутахассислар томонидан юксак баҳоланган эди. Суратда: «Рекорд-2» Совет Иттифоқига жўнатилмоқда.
БТА—ТАСС фотоси.

САЛЬВАДОРДАГИ ВАЗИЯТ

САН-ХОСЕ, 28 март. (ТАСС). Сальвадордан хабар беришларича, бу мамлакатда вазият ҳали ҳам ғоят кескин. Ҳукмрон ҳарбий граждан хунтанинг жазо аппарати «тартибсизлик» келиб чиқиши мумкин, деб тўрт кундан бери жанговар ҳолда турибди. Пойтахтнинг ва бошқа шаҳарларнинг кўчаларига 15 минг солдат, полициячи чиқарилди. Қишлоқ жойларида помешчикларга хизмат қилаётган ўта ўнг террорчи шайкалар илгаригидек бебошлик қилмоқда.

Мамлакатда революцион демократик ташкилотларнинг чақиришига биноан буидан икки кун илгари бошланган умумий забастовка давом этмоқда. Бу забастовка олигархия ва империализм малайлари Сан-Сальвадор архиепископи Оскар А. Ромерони ваҳшийларча ўлдирганлигига қарши норозилик белгиси сифатида ўтказилмоқда. Пойтахтда 50 мингдан ортиқ киши қатнашган намойиш иштирокчилари мўътабар католик арбоб, маздум оммани доимо ҳимоя қилиб чиққан кишининг хотирасини ҳурмат билан эсладилар.

Айни вақтда мамлакатдан Америка дипломатларининг оилалари ва АҚШ элчихонасининг ёрдамчи ходимлари кўчирилмоқда. Революцион-демократик ташкилотларнинг фикрича, бу нарса Қўшма Штатлар Сальвадорга қуролли бостириб киришга тайёргарликни тамомлаётганликларидан далолат беради.

ВИЗИТ БИЛАН ПЕКИНГА БОРАДИ

РИМ, 27 март. (ТАСС). «Унита» газетасининг хабар қилишича, ИКП бош секретари Э. Берлингуэр бошчилигидаги Италия Компартиясининг делегацияси шу йил апрель ойида Хитойга боради. Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси ана шу хабарни шарҳлаб қуйидагиларни ёзади: ХКП Марказий Комитети Э. Берлингуэрни Хитойга таклиф қилганлиги Пекин давлатлараро даражада ҳам, шунингдек партиялараро даражада ҳам кенг кучларни ўзининг йўлида жипслаштиришга куч-гайрат сарфлаётганлигини ифода этади.

ЭРОН МИНИСТРИНИНГ ҒАЛАТИ ГАПЛАРИ

Эрон ташқи ишлар министри Қутбзода айтган гапларни ғалати гаплар дейишдан бошқача баҳолаб бўлмайди.

Эрон министри Афғонистон хусусида «кўп томонлама музокараларни» ташкил этишга оид ўз мулоҳазаларини баён этиб (Эрон билан СССР ўртасида, Эрон билан Афғонистон ўртасида, Эрон билан ўнинг айтишича, «революцион», аммо ҳақиқатдан контрреволюцион афғон ташкилотлари билан, шунингдек эҳтимолки, Эрон, Покистон ва Хитой ўртасида) ҳеч бир асоссиз равишда унинг бу ташаббуси гўё Совет Иттифоқи билан келишиб олинган, деди. Бунинг устига Эрон билан Совет Иттифоқи ўртасида Афғонистондаги аҳволни аллақандай бартараф этиш, шу жумладан унга «бетарафликни» тиқиштириш хусусида келишиб олинган эмиш.

Қутбзода айтган гаплар юмшоқ қилиб айтганда, Совет Иттифоқининг тутган позицияларини ўзича талқин этганлиги ишонарли чиқиши учун СССРнинг Эрондаги элчиси билан қилган суҳбатларига асосланади. Шундай суҳбатлар дарҳақиқат бўлган эди, лекин шу суҳбатлар чоғида ҳозир Эрон министри айтаётган гаплар мутлақо бўлган эмас, албатта ва бундай гаплар келишиб олинмаган ва келишиб олиниши мумкин эмас эди. Қутбзоданинг ўзи Эрон томонининг қарашларини баён қилиб, ўзи ошкора айтган баъзи масалаларни ҳатто эслатмади ҳам.

Эрон ташқи ишлар министрига Совет Иттифоқи Афғонистон билан боғлиқ вазиятни сиёсий бартараф этишга принципиал ёндошаётгани баён қилиб берилганди. Совет томони бошқа давлатларнинг вакиллари билан бўлган мулоқатларда ҳам шу гапларни айтган эди. Бунда Совет Иттифоқи аҳволни ҳақиқий бартараф этиш учун курашаётганлигини ҳар жиҳатдан таъкидланди. Бу кураш ана шу вазиятни вужудга келтирувчи сабабларни тугатишга, яъни агрессив ҳаракатларни ва умуман Афғонистоннинг ишларига ҳамма хилдаги аралашувларни самарали ва гарантияли тўхтатишга қаратилган эди. Қутбзода булар ҳақида лом-мим демади.

Қутбзода СССРнинг элчиси билан суҳбатда Эрон Афғонистоннинг ишларига четдан аралашмаслик тўғрисидаги масалани Афғонистон ҳукумати билан муҳокама қилишга тайёрлигини айтган эди. Совет томони бунга ижобий баҳо бериб, Афғонистонга тааллуқли ҳеч бир масала Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматидан четда ва унинг иштирокисиз мўҳокама этилиши ҳамда ҳал қилиниши мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади. Совет томони масалага шундай қараганидагина Эрон томони билан фикрлашишни давом эттиришга тайёрлигини билдирган ва шу гап Қутбзодага очиқдан-очиқ айтилган эди.

Хўш, шундай экан, Совет Иттифоқининг тутган позициясини нима учун бузиб кўрсатиш керак бўлиб қолди? Хўш бунинг кимга ва нимага фойдаси бор?

Совет-Эрон муносабатларига келганимизда, Совет Иттифоқи мана шу муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдоридир. У Эрон халқининг ўз давлати мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамма ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда, Эроннинг ички ишларига четдан ҳар қандай аралашувга қарши изчиллик билан курашмоқда.

(ТАСС).

Спорт

«БИНОКОР» ҮНЛИКДА

Хоккей бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари яна иккитадан учрашув ўтказиб, мавсумга якун ясайдилар. Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари бу йилги чемпионатни ўтган йилдагига қараганда бир мунча бўш ўтказдилар. Аввалига жадвалнинг пастки поғоналаридан ўрин эгаллаб келган ҳамшаҳарларимиз хавфли зонага тушиб қолишларини сезгач, якунловчи ўйинларни уюшқоқлик билан ўтказганликлари туфайли ғалибдан жой олишга муваффақ бўлдилар.

Навбатдаги тур учрашувларини «Бинокор» сафарда Омск шаҳрида маҳаллий «Шинник» командаси билан ўтказди. Шуни айтиш керакки, ҳар иккала учрашувда тошкентликлар тўла устунлик қилдилар ва 9:3 ҳамда 6:2 ҳисобида ғолиб келишди. 58 учрашувдан кейин 55 очко тўпланган «Бинокор» ўнинчи ўринда мустаҳкамланиб олди. Маълумки, бу ўрин келаси йил яна биринчи лигада иштирок этиш ҳуқуқини беради. 11—14 ўринларда қолган командалар иккинчи лига ғолиблари билан биргалашиб, ўтиш ўйинларида ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун курашадилар.

Челябинскнинг «Металлург» командаси Новосибирскда «Сибирь» билан учрашиб, иккала ўйинни ҳам бой бериб ўнликдан тушиб кетди.

«Бинокор» чемпионатнинг охирги икки учрашувини Новосибирск шаҳрида «Сибирь» командаси билан ўтказади.

ЯНА ҒАЛАБА

Келаси йил волейбол бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун даъвогарлик қилаётган Тошкентнинг «Динамо» командаси финалчиларнинг учрашувида яна ғалаба қозонди. Ҳамшаҳарларимиз Петропавловск — Камчатскнинг «Спартак» командаси билан учрашиб, 3:1 ҳисобида ғолиб келди. Олмаотанинг «Дорожник» командаси Минскнинг «Мотор» коллективини 3:0 ҳисобида енгди. Кеча тошкентликлар «Дорожник» командаси билан учрашдилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.45 — АБВГДейка. 10.05 — Ота-оналар. Сизлар учун. 10.45 — Айнура Нигманинг саргузаштлари, 12, 13-сериялар. 11.20 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.15 — Спортлото. 12.25 — Ғолиблар. Фронтдош дўстлар клуби. 13.40 — Адресимиз Совет Иттифоқи. 14.20 — Эрмитаж. 14.50 — Дунё воқеалари. 15.05 — Ҳаворанг чашка. Бадиий фильм. 16.05— Талабларингизга биноан учрашувлар. 17.05 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.05 — Снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенскийнинг чиқиши. 18.35 — Капитан Врунгелнинг саргузаштлари. 13-серия. 18.45 — 9-студия. Кўрсатувни снёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.45 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 21.30 — Время. 22.05 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. (давоми).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 10.50 — Қўшиқ-қўшиқдан. 11.25 — Светофор. 12.25 — Инсон ва қонун. 12.55 — Телеспектакль. Севгисиз шаҳар. 1-қисм. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Шоирлар — болаларга. 18.45 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси VI халқаро Тошкент кинофестивалига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Эргашева рақсга тушади. 21.30 — Время. 22.05 — Замонамиз қаҳрамонлари. 22.20 — Ўзбекистон куйлагай. 1-бўлим.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.10 — Душанба кўрсатувлари.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/III да Ғариблар (12.00), 30/III да Истеҳком (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/III да Тошкентнинг нозанни маликаси (13.00), Кулги нечаси (19.30), 30/III Тошкентнинг нозанни маликаси (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/III да Момаро (12.00, 15.00), 30/III да Отасининг қизи (12,00, 15.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида «ШЕРЛАР ОРАСИДА» аттракциони иштирокида «Чебурашка ва тимсоҳ Генаннинг циркдаги ғаройиб саргузаштлари» — болалар учун кунюқ томошалар (11,00, 14.00, 17.30).

Урта Осиё темир йўлининг
БОШ МАТЕРИАЛ СКЛАДИГА
юк ташувчи (меҳнат ҳақи ишбай), автопогрузка ҳайдовчи, автокранчи, оператор, экспедитор, омборчи бухгалтер
КЕРАК
Склад ишчилари темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан, шу жумладан ишга бориш ва келиш учун бепул билет (шаҳар атрофида яшайдиганлар учун), бир йил ишлагандан сўнг СССРнинг хоҳлаган ерига бориш учун бепул билет ва Урта Осиё темир йўлида бепул юришдан фойдаланадилар.
МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:
Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 30-уй.
Олмалиқ шаҳри, Советская кўчаси, 26-уй.
Бекобод шаҳри, Абесова кўчаси, 176-уй.
Чирчиқ шаҳри, Октябрь кўчаси, 28-уй.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325353; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07158. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1572. 12